

олади. Корнидес кўлэзма тўғрисида ўша даврларда машхур бўлган Венгрия кутубхонасининг ходими Жорж Прейга маълум қилади. Орадан эллик йилдан зиёдрок вақт ўтганидан кейин эса, 1828 йилда биз юқорида айтиб ўтган немис олими Генрих Юлиус Клопрот томонидан «Кодекс Куманикус»нинг биринчи, яъни италянча қисми француз тилида нашр қилинади [6]. 1880 йилда венгриялик шарқшунос олим Геза Куун томонидан тўлиқ ҳолда латин тилида нашр этилди [7]. Ёдгорлик Томасини тадқиқи давридан токи Геза Куун тадқиқ этгунига қадар «Петрарка Кодекси» номи билан юритилар эди. Геза Куун эса, ўз тадқиқи жараёнида кўлэзмага «Кодекс Куманикус» деб ном берди ва шундан кейин жаҳон илмий жамоатчилигида ёдгорлик шу ном билан атаб келинмоқда.

«Кодекс Куманикус» кўлэмаси устида жуда кўплаб шарқшунос, тилшунос ва тарихчи олимлар изланишлар олиб борганлар. Жумлалан. 1887 йилда Раллов. 1891 йилда Эмилио Теза. 1910 йилда Вильям Банг [10] ва Капл Салеман [11]. 1913 йилда Юлий Немет [12]. 1929 йилда Лмитвий Расовский. 1942 йилда Кааре Гронбеч. 1949 йилда Зайковски. 1966 йилда Антлеас Титте. 1969 йилда Ловл Мончи Залех. 1971 йилда Андрас Болдоглигети. 1979 йилда Дагмар Дюль. 1980 йилда Лвис Лигети. 1992 йилда Питер Голлен. 2000 йилда Влалимир Принба. 2006 йилда Александр Гаркавец каби олимлар томонидан «Кодекс Куманикус» бўйича жиддий тадқиқот ишлари олиб борилган. 1920 йилда туркийшунос олим Бакир Чўпонзола «Кодекс Куманикус»даги унли товвшлаб гоьмониясининг бвзилиши» мавзусида докторлик. 1956 йилда Козогистонлик олим Абжан Кўрўнпжонов «Кодекс Куманикус» тилидаги келишикларнинг шакл ва турлари» ҳамда 1979 йилда Али

Чеченов «Кодекс Куманикус» ва унинг замонавий ғарбий кичик тиллари билан алоқаси» мавзусида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

«Кодекс Куманикус» бўйича жаҳон туркийшунослигида улкан ва тақдорланмас тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қармасдан, ушбу ёдгорлик ҳалигача яхлит ҳолда Ўзбекистонда бирор бир жихатдан илмий тадқиқотга тортилмаган. Балки бу кўлэзма тадқиқи учун бир неча тилни билиш зарурлиги ҳам ҳалигача олимларимиз томонидан тадқиқ этилмаган бўлиши мумкин. Чунки кўлэзмадаги сўзларнинг лотин, форс ва немис тилидаги сўзлар билан киёсий тахлиллари борасида қарама-қарши фикрлар мавжудлиги ва ундаги таржималарнинг хилма-хиллиги, ушбу манбаларни ва маълумотларни янада чуқурроқ ва теранроқ тадқиқ қилишимиз учун олдимизга кўплаб вазифалар юклайди.

Айниқса, Махмуд Қошғайиннинг «Девону луғат ит-турк» ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларидаги туркий сўзларнинг «Кодекс Куманикус»даги туркий сўзлар билан гинетик муносабатларини аниқлаш ҳалигача ҳеч бир олим томонидан тадқиқ этилмаганлиги, булар асарнинг ўз тадқиқини қутиб турган долзарб ва ўта муҳим масалалари сирасига қиради.

«Кодекс Куманикус» бўйича амалга оширилган бир қатор илмий изланишларни кузатиш натижасида кўлэзмада берилган туркий сўзларнинг фонетик ва грамматик жихатдан янги тахрирдаги ўзбекча матнини яратиш зарурлигини ҳис қилган ҳолда, уни ҳар томонлама тадқиқ этиш учун бир қатор илмий ва амалий тажрибалар ҳамда маълумотлар тўпланди ва бу тадқиқот яқин кунларда якунига етади ва илмий жамоатчиликка тақдим қилинади, деган умиддамыз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: «Маънавият», 2008. 30-31-б.
2. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. -Тошкент: «Ўзлпон», 1993. 225-б.
3. Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV вв. -М.: «Лигалорбис», 2005.
4. Bazin L. Les systèmes chronologiques dans le monde turc ancien. -Budapest: Akademia Kiado, 1991.
5. Golden Peter B. Codex Cumanicus. W: H. B. Paksoy (red.): Central Asian Monuments. ISIS Press, 1992. -P. 4.
6. Klaproth J. Notice sur un Dictionnaire persan, coman et latin, légué par Petrarque à la Republique de Venise/ J.Asiatique. 1826.
7. Kuun, Géza. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. Budapestini: Scient. Academia 1880.

Ушбу мақолада қадимий туркий луғатлардан бири Кодекс Куманикус ва унинг туркийшунослика тутган ўрни ҳамда аҳамияти кўлэманинг таркиби ва мазмуни ва унинг жаҳон олимлари томонидан ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

В статье говорится о древнетюркском памятнике «Кодекс Куманикус», его роли и значении в тюркологии. Рассматриваются содержание и значение древнетюркской рукописи «Кодекс Куманикус» в работах мировых учёных.

The article is devoted to the study of the ancient Turkic monument «Codex Cumanicus» and its role and significance in Turkic studies. There have been defined the content and significance of the ancient Turkic monument «Codex Cumanicus» in the works of the world scientists.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Г.У.Жуманазарова - филология фанлари номзоди

Жиззах давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: лингвостатистик таҳлил, частотали луғат, конкорданс, поэтик тил, матн, инженер тилшунослиги, микро ва макросинтактик, электрон матн, хисоблаш машинаси, чаппа луғат, сўз ва сўз шакл.

Ключевые слова: лингвостатистический анализ, частотный словарь, конкорданс, поэтический язык, текст, инженерная лингвистика, микро и макро-синтаксический электронный текст, вычислительная машина, обратный словарь, слово и словоформа.

Key words: linguostatistical analysis, frequency dictionary, concordance, poetic language, text, engineering linguistics, micro and macro-syntactical, electronic text, calculating machine, reverse (return) dictionary, word and word form.

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 30-йилларида матнни лингвостатистик таҳлил этиш вазифасини биринчи бўлиб В.В.Решетов амалга оширган: газета тилидаги ўзбекча, арабча, форсча ва русча сўзлар частотасини сўз туркумлари бўйича аниқлаб чиққан ва унинг натижаларини эълон қилган [1]. Шундан сўнг И.А.Киссен ҳам ушбу метод асосида муайян кузатишлар олиб борган. Унинг яратган иши ўзбек тилидаги биринчи частотали луғат бўлиб, у ўқитувчиларга қўлланма сифатида нашр қилинган [2]. Тадқиқотчи 40 та бадий асардан ўртача 2500 сўздан иборат матнни таллаб олиб, лексикографик таҳлил қилганда жами 101 044 сўз борлиги, шундан 5494 сўз (5,4%) атоқли отлар (шундан 91 % ономастик номлар) ва 95550 сўз (94,6%) мустақил ва ёрдамчи сўзлар эканлигини аниқлаган. 8052 та мустақил ва ёрдамчи сўзлар орасида 1227 та лексема қўлланиш частотаси нисбатан юқори бўлган бирлик эканлиги аниқланган (76 %). Қолган 6825 лексема 18,6 % ни ташкил этган. Муаллифнинг хулосасига кўра, ўзбек тилини билувчи ёки ўрганувчи одам матндаги ўртача 80% сўзни луғатга мурожаат қилмасдан тушунади, 20 % сўзининг маъноси тахминан тушунарли бўлади ва уларнинг маъносини аниқлаш учун луғатларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Конкорданс характерида бўлган Р.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг «Зулфия поэзияси тилининг луғати»да [3] ўзбек шоираси асарлари тилининг индивидуал хусусиятлари билан бир қаторда, XX асрнинг 40-80-йилларидаги ўзбек адабий тилининг ўзига хос жихатларини ҳам ўрганишга жиддий асос яратилган. Ушбу иш сўнгги

йилларда биринчи конкорданс [4] эканлиги билан илмда эътироф этилган бўлса-да, аммо, назаримизда, унинг камчилиги шундан иборат бўлганки, ўша даврда луғат мақолаларини статистик жихатдан қайта ишлашга тўғри келса, бу ишни яна қайтадан қўлда бажариш лозим эди. Келтирилган сўзшакллари неча ўзақ сўздан иборатлигини аниқлашнинг, уларни сўз туркумлари асосида таҳлил қилишнинг ёки алоҳида олинган бир грамматик шакл кесимида қайта ишлашнинг, энг муҳими, уларнинг матндаги қўлланиш фоизини белгилашнинг амалда ҳеч бир иложи йўқ эди. Шунга қарамасдан, бу луғат ўз даври лексикографиясида эришилган ютуқлардан бири бўлди.

Ўзбек луғатчилигида компьютердан фойдаланишни биринчи марта 1987 йилда А.Қуронбеков амалга оширган [5]. Орадан кўп вақт ўтмай Ш.Махматмуродов «Ҳамза поэтик асарлари тилининг луғати»ни яратган ва унда 3265 та сўзнинг изоҳи келтирилган [6]. С.Каримов, А.Қаршиев ва Г.Исроиловаларнинг ҳаммуаллифлигида бугунги замонавий компьютер технологиялари ёрдамида яратилган «Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати» [7] бу соҳада олдинга ташланган жиддий қадам бўлди. Муаллифлар халқ ёзувчисининг бадий, бадий-публицистик ва илмий меросини деярли қамраб олган беш жиддий «Асарлар» тўпламининг электрон матнини яратишган ва бу матн тузилажак луғат учун материал вазифасини ўтаган. Луғатларнинг кириш қисмидаги сўзбоши ўрнида берилган мақола келажакдаги яратиладиган луғатлар учун ҳам назарий, ҳам амалий асос вазифасини бажарди. Уч йўналишда тузилган ушбу луғатларнинг ҳар бири алоҳида

вазифаларни адо этади. Алфавитли луғат ёзувчи фойдаланган луғавий бирликларнинг умумий фонди ҳақида маълумот берса, частотали луғат бу умумий фонддаги элементларнинг қўлланиш частотаси ҳақидаги ахборотни ўзида мужассам этган. Уларнинг ҳар бирини исталган пайтда микроматн куршовида бир жойга тўплаш имкониятининг мавжудлиги филологик тадқиқотларда катта қулайлик туғдиради.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида ўзбек тилшунослигига инженерлик лингвистикаси ва компьютер лингвистикаси ютуқларини она тилимиз материалларига дадил татбиқ этган Х.Арзикуловнинг илмий қарашлари замонавий лингвостатистик тадқиқотларнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. У инженер тилшунослигининг тадқиқот объектини белгилаш мақсадида энг аввало, тил ва нутқ тизими нима, нутқ нима? деган масалаларга аниқлик киритган, бунда у Ф.де Соссюрнинг «Langue-parole» таълимотига таяниб, тил ва нутқ муносабатини таҳлил этишни назарий ва амалий тилшуносликнинг бир-бирига яқинлашуви сифатида қараган. Х.Арзикулов «тил бирликларининг нутқда фаоллашиш қонуниятларини очиш ва тил системасидан нутққа (матнга) ўтиш жараёнининг моделини яратиш, табиий тилдаги матнларга компьютерлар ёрдамида қайта ишлов бериш, инженер тилшунослигининг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш учун, бизнинг назаримизда, нутқ фаолиятини тил системаси, нутқ системаси ва нутқларга ажратиб талқин этиш мақсадга мувофиқ» [8], деган илмий фикрни биринчи бўлиб айтган. Яна у «Нутқ системаси лингвистик белгининг илк актуаллашган формаси ва маъносини, микро ва макросинтактик қурилманинг шаблонини (моделини эмас) ўз ичига олади. Демак, тил системаси билан конкрет нутқ ўртасида жойлашган нутқ системаси бирликларини моделлаштириш ва компьютер хотирасига киритиш мақсадга мувофиқ», деган фикрни ўртага ташлаган. Х.Арзикулов инсон нутқий фаолиятидаги учинчи компонент сифатида қараладиган нутқ – матнга алоҳида масъулият билан қарайди. Уларнинг маъно англатишдаги семантик-стилистик имкониятлари нихоятда кенг эканлигини тўғри англаб этади. Шунинг учун ҳам, «конкрет нутқда беадад бирликлар азалий ёки янгидан-янги маъноларда намоён бўлавереди ва уларнинг кўпчилиги моделлаштиришга тутқич бермайди. Бинобарин, конкрет нутқ ранг-баранг бирликларининг ҳаммасини компьютер хотирасига киритиб бўлмайди» [9], деган тўғри ва илмий-назарий асосга эга бўлган хулосага келади.

Гарчи фақат тил истеъмолчисининг руҳияти, ички кечинмалари ифодаси бўлган нутқий ранг-барангликни компьютер ёрдамида ифодалашнинг имкони бўлмаса ҳам, тил фактларини тўплаш, қайта ишлаш, уни илмий ёки бадиий жиҳатдан қайта идрок этиш учун тайёр ҳолатга келтириб бериш борасида бу ноёб техник воситанинг хизматлари бекиёс эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу маънода, тилшунослар ва компьютер дастурчилари олдида машхур ёзувчи, шоирларимизнинг частотали луғатлари, бир неча ўн миллион сўзшакл асосида ҳозирги ўзбек тилининг мукамал алфавитли-частотали луғатини тузишдек долзарб вазифалар мавжудлигини А.Иброҳимов [10] таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекча матнларни лингвистик тадқиқ этишга статистик методни олиб қирган ва бунда инженер лингвистикаси ютуқларини татбиқ этган С.Мухамедовнинг илмий ишлари [11] алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Олимнинг диссертация ишида публицистик матнлар ўзбек тилшунослигида биринчи марта тил ва нутқ муносабати инженер-тилшунослик ва ахборот-статистик усуллар ёрдамида ўрганилиб, шу асосда ҳозирги замон ўзбек публицистик нутқи лексикаси ва грамматикасининг бир қатор типологик хусусиятлари, жумладан, унинг агглютинатив сўзшакллари қурилиши ва ахборот узатиши жиҳатидан хинд-европа тилларига қараганда мутлақо фаркли эканлиги аниқланди. Ушбу тадқиқот туфайли тил ва нутқ антиномиясида яна бир парадокс – маълум ўзакдан янги сўзшакллари яшаш имкониятининг чексизлиги бараварида бу имкониятнинг публицистик нутқ узусида нихоятда чекланиб қолиши очиб берилди. Бу эса ҳозирги ўзбек тили функционал услублари назарияси учун, шунингдек, тилни меъёрлаштириш нуктаи назари учун ғоятда аҳамиятли хулосалар эди.

С.Мухамедовнинг монографиясида [12] инженер лингвистикаси соҳаси ва унинг ўзбек тилига татбиқи борасида шаклланган илмий-назарий қарашлари мажмуидир. Тилнинг белги эканлиги, тил белгисининг аҳамияти ва коммуникатив аспекти, типологияси; нутқ белгиси; ахборот, яъни баённинг туғилиши; ахборотнинг берилиши ва қабул қилиниши тўғрисидаги мулоҳазалар шулар жумласидандир. Ишда моделлаштириш, жумладан лингвистик моделлаштириш принциплари ҳақида ҳам фикрлар баён қилинган. Гипотетик, инженер-лингвистик қайта ишлаб чиқариш, квантатив моделлар ва шу асосда туркий сўзшакллarning пайдо бўлишини таҳлил этиш, парадокс ва идиолект масалалари таҳлил этилган. Квантатив

моделлаштириш борасида айтган мулоҳазалари публицистик матнлар тавсифи, матн ҳажмини аниқлаш усуллари, частотали луғат бирликларини белгилаш ва бунда электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш, матннинг статистик интерпретацияси тўғрисида маълумотлар берилган. Шу асосда муаллиф газета матнлари лексикасини статистик таҳлил қилган. Далилларнинг ишончли бўлиши учун ўзбек тили, ҳатто қозоқ, турк тиллари билан қиёсланган. Ишнинг давомида газета матнлари асосида ўзбек тили сўз туркумлари ва грамматик категориялар статистик таҳлил этилган.

Ушбу иш учун тадқиқот манбаи вазифасини ўтаган тил материали кейинчалик луғат шаклида нашр этилди [13]. Айтиш мумкинки, бу иш ўзбек тилшунослигида биринчи тажриба бўлиб, унда газета материаллари асосида ўзбек тилининг лексик ҳамда грамматик қурилишини, меъёрий чегарасини ҳамда тилда содир бўлаётган ўзгаришларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш вазифа қилиб қўйилган ва бу вазифа муваффақиятли удаланган. Луғат лингвостатистик метод асосида тузилган ва унда луғат бирлиги сифатида 200000 дан ортик сўз қўлланиши олинган.

С.Ризаевнинг «Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати» (1980) ўзбек тилшунослиги тарихида шу тилдаги луғатлардан дастлабки сифатида электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ) ёрдамида яратилган лексикографик иш, дейиш мумкин. Унда 26752 луғат бирлигининг 100000 марта қўлланиш ҳолати қайд этилган. Бу ишда ўтган асрнинг 80-йилларида ўртага қўйилган ўзбек тили функционал услубларининг график, фонологик, лексик, морфологик ва синтактик статистикаси, айрим ёзувчилар асарларини лингвостатистик тадқиқ этиш, бошқа тиллардан ўзбек тилига ёки, аксинча, ўзбек тилидан бошқа тилларга автоматик таржимани амалга ошириш муаммолари кўтарилиб чиқилган. С.Ризаев қўлга киритган натижалар қўлланилган янги сўзлар от, феъл, сифат туркумлари доирасида эканлиги, қўлланиш коэффициентига кўра асосий юк олмош туркумига, боғловчи ва юклама сингари ёрдамчи воситаларга тушиши ҳақидаги хулосалардан иборат бўлган. Шунингдек, ишда *ҳам, бир, билан, шу, бўлмоқ, эди, экан, ҳар, бор* сингари элементларнинг қўлланиш частотаси юқори эканлиги аниқланган.

Муаллифнинг Н.Бўронов билан ҳамкорликда яратилган «Абдулла Қахҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати»да [14] жами 10590 та луғавий бирликнинг (сўзшаклнинг) матнда 37482 марта қўлланилганлиги аниқланган. Луғатнинг илмий-амалий ютуғи шундаки, унда ўрни билан айрим сўзларнинг қайси функционал услубга хослиги, қайси фан соҳасига тегишли эканлиги шартли белгилар ёрдамида кўрсатиб берилган. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг ҳамда ибораларнинг ҳар бир сўзи шартли равишда алоҳида-алоҳида бир бутунлик сифатида қайд этилган бўлса-да, зарур ўринларда луғавий бирликдан сўнг ўша сўз иштирокидаги бирикма ёки ибора матни ҳам келтирилган: *қулоқ, қулоқ солмоқ, амрига қулоқ солмоқ, шалтанг қулоқ, қулоқ бермоқ* каби. Энг кўп ва фаол қўлланган сўз ва сўзшакллар сифатида *бир, ҳам, Саида, билан, бу, Қаландаров, ва, эди, унинг, деди, бўлиб, шу, кейин, учун, нима, деб, қилиб, бўли, яна, кетди, лекин, экан, жуда, қолди, деган, эмас, олиб, мен, ҳеч, керак, ҳар, йўқ* ва бошқа элементлар эътироф этилиб, уларнинг қўлланиш частотаси 100 дан 562 тагача бориши таъкидланган. Бир мартадан қўлланган сўзларнинг сони эса 6628 та бўлиб, матн умумий ҳажмининг 62,59 фоизини, ўн мартадан ортик қўлланган сўзлар эса 565 та бўлиб, 5,34 фоизни ташкил қилиши аниқланган. Аслида бундай лисоний таҳлиллар барча ўзбекча матнлар учун ҳам характерлидир.

С.Ризаевнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий «Девон»и тили лексикасининг статистик структураси (частотали луғат ва конкорданс)» асари [15] олимнинг навбатдаги йирик тадқиқоти ҳисобланади. Ишнинг биринчи қисмида сўзлар ва сўзшакллар алфавит тартибида жойлаштирилган, қўлланиш частотаси ва уларнинг матнда қўлланган саҳифалари кўрсатилган. Иккинчи қисмида сўз ва сўзшаклларнинг частотаси берилган. Тадқиқотчининг аниқлашича, «Девон»да 6417 та мустақил сўз 64807 марта қўлланган. Ушбу кузатишда ҳам таҳлил анъанавийлиги сақлаб қоллинган. Аниқланган 1 марта қўлланган сўзлар 3648 тани (65%), 2 марталиклар 782 тани (14%), 3-4 марталиклар 558 тани (10%), 5-9 марталиклар 394 тани (7%), 10 марта ва ундан ортик қўлланган сўзлар 252 тани (4%) ташкил этади ва ҳоказо. Луғат «Девон»да ишлатилган ҳар бир лексик бирлик ҳақида фонетик, лексик-семантик ва стилистик кузатишлар олиб боришга қулай имкониятлар яратади. Бунинг исботи сифатида муаллиф *бор* сўзини намуна сифатида таҳлил қилиб берган. Дастлаб унинг қайси саҳифаларда неча мартадан учрашлиги кўрсатилган, фонетик шакллари (*боридан, борми, борму, ворми*) берилган, кейин семантик-стилистик маънолари таҳлил қилинган. Жумладан, у бир ҳолатда форс-тожикча элемент сифатида нумератив ҳисобланиб, *марта, қарра, дафъа* маъноларини бериши, бошқа бир кўринишда у феълнинг иккинчи шахс буйруқ шакли ҳисобланиб, *маълум мақсад билан бирор ерга йўналмоқ, кетмоқ* маъноларини ифодала-

ши сингари турли нуткий ҳолатлар мисолида таҳлил намунаси берилган. Мана шу жиҳатлари билан мазкур лугат илмий ва амалий қимматга эгадир.

Лингвостатистика масалаларини кенг қамровда тадқиқ этган С.Ризаев «Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари» (2006) монографиясини нашр этди ва шу асосда ўзининг докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (2008). Ушбу монографик тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида лингвостатистик муаммолар ечимига бағишланган биринчи йирик тадқиқот эди. Унгача мазкур масала ўзбек тилшунослигида тил ва нутқнинг график, фонологик, бўғин, морфем ва лексик структураси математик-статистик ва информацион-типологик методлар асосида комплекс тарзда таҳлил қилинмаган эди.

С.Ризаев ушбу соҳада илк бор ўзбек тилида энг фаол ва аксинча, нафаол қўлланиладиган товушлар статистикаси, функционал услублар мисолидаги тақсимлануви ҳақидаги мулоҳазаларни, уларнинг матний ифодаси бўлган ҳарфларни тақомиллаштириш келажақ ўзбек ахборот технологиясини ҳамда компьютери моделларини яратиш ва бу билан амалий тилшуносликни янги поғонага кўтариш каби масалаларни ўртага ташлади.

А.Иброҳимовнинг «Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика» деб номланган асари [16] кейинги йиллар лугатчилигидаги аъналарни сақлаб қолгани ҳолда, илмий мукамаллиги билан алоҳида мавқега эга бўлган тадқиқот сифатида майдонга келди. Лугат Бобур «Девон»идаги фақат ўзлашма сўзларни қамраб олган бўлиб, уларнинг берилишида аниқликка эришишга ҳаракат қилинган. Муаллиф тузилган лугат асосида бирданига икки ютукни қўлга киритган. Биринчидан, луғавий бирликлар мисолида ишонарли таҳлилларни бажара олган, иккинчидан, бу типдаги лугатлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлган тадқиқотлар методикасини ҳам берган. Китобнинг бошида лугатга берилган 31 бетдан иборат шарҳ алоҳида илмий асар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотда тўпланган материаллар асосида А.Иброҳимов Бобур «Девон»и конкордансини тузиш принциплари ҳақида сўз юритган. Муаллиф дастлаб «Девон»нинг компьютер хотирасига киритиладиган матннинг мукамал бўлиши устида иш олиб борган ва унга «Париж девони», «Ҳинд девони» ва «Кобул девонига тақмила (қўшимча)»лардан ташкил топган мукамал матнни асос қилиб олган, нашрлардаги хатолар тўғрилиган. А.Иброҳимов Бобур «Девон»и матни асосида статистик кузатишлар олиб борар экан, улуғ шоир ижоди ва тил илми учун аҳамиятли бўлган таҳлилларни тақдим этди. Масалан, ишда «Девон» лексикасида ўзлашма сўзларнинг ўрни белгилаб берилган. 3276 та сўз 7836 сўзшакл ҳолатида 24980 марта қўлланилганлиги аниқланган бўлса, бу рақамлардан барча таҳлилларда фойдаланилган. Улар орасида туркийча сўзшакллар – 3432 тани (45%), арабча – 2609тани (33%), форсча – 1751 тани (22%), хиндча – 9 тани ташкил этиши маълум бўлган. Муаллиф яна бир қизиқарли кузатишни амалга оширган, яъни Гадоий, Атоий, Лутфий, Ҳусайний, Навоий ва Бобурнинг юз сўз атрофидаги матни лексик таҳлил қилинганда уларнинг барчаси тилида туркийча сўзларнинг устунлик қилиши, арабча сўзлар қўлланилиши бўйича Бобур «ўрта», форс-тожикча сўзларни қўллаш бўйича эса энг юқори ўринда туриши аниқланган. А.Иброҳимов иш якунида Бобурнинг арабча ва форсча сўзларни нисбатан кам ишлатганлиги, «Девон» лексикасини мазкур лугатга таянган ҳолда ўрганиш фақат Бобур асарлари лугат бойлигини ўрганиш учунгина эмас, балки ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа вакиллари асарлари тил хусусиятларини қиссий ўрганишда ҳам аҳамиятли эканлиги тўғрисида ғоятда муҳим ва қизиқарли хулосаларни баён этган.

Сўнгги йилларда ўзбек лугатчилигида компьютер дастурларидан фойдаланиш борасида Д.Уринбоева халқ дostonлари матнини лингвостатистик таҳлил этиш ва шу асосда лугатлар тартиб бериш ишини биринчи бўлиб амалга оширди, уларнинг натижаси ўларок иккита лугат нашр этди [17]. «Ўзбек халқ дostonлари тилининг частотали луғати» учун «Алпомиш», «Равшан», «Рустамхон» дostonлари матни материал вазифасини ўтаган. Ушбу матнлар асосида компьютер кўмагида 28499 марта қўлланган 19274 та луғавий бирлиқни қамраб олган сўзшакллардан иборат хар бир дostonнинг алоҳида частотали ва алфавитли-частотали луғатлари тузилган. Луғат маълумотида кўра, «Алпомиш» 14029, «Равшан» 7059, «Рустамхон» 7411 сўзшакллардан ташкил топган.

Д.Уринбоеванинг У.Умурзоқов билан ҳамкорликда тузган «Ўзбек халқ дostonлари тилининг алфавит-частотали луғати» аввалги луғатдан фарқли ўларок сўзшакллар частота тартибида, яъни аввал энг кўп қўлланган элементлар, давомидан ундан кам қўлланганларини келтириш тартибида эмас, балки хар уч дostonдаги сўзшакллар алфавит тартибида ва бир вақтнинг ўзида частотаси кўрсатилган ҳолда келтирилган. Сўзшаклларнинг бу тартибда берилиши

тадқиқотчи учун маълум даражада қулайлик туғдиради ва уларни уч дoston мисолида қислаш имконини беради.

Ушбу луғатнинг яна бир илмий жиҳати «Алпомиш» ва «Равшан» дostonларида қўлланилган сўзшаклларнинг сўз туркумлари кесимида берилганлигида кўзга ташланади. Масалан, от: 1597 (11,4%), 1359 (19,2%); сифат 425 (3,02%), 245 (3,4%), сон 54 (0,4%), 28 (0,4%), олмош 17 (0,1%), 20 (0,28 %), равиш 266 (1,9%), 238 (3,3%), феъл 1399 (9,9%), 1100 (15,5%) нисбатда қўлланилганлиги аниқланган. Ушбу рақамлар мустақил сўзларнинг «Равшан» дostonида қўлланиши «Алпомиш» матнидагига қараганда фаол эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келган. Шунингдек, халқ дostonлари тилида от ва феълнинг қўлланиш частотаси устуворлиги, қўлланиш коэффиценти нуктаи назардан эса олмош энг юқори ўринда («Алпомиш»да бу – 1069, шу – 182, мен – 425, менинг – 243; «Равшан»да бу – 139, шу – 137, мен – 108, менинг – 69) туриши, ўз навбатида, бу коэффицентга кўра феъл лексемалар (бўлиб – 524 ва 118, олиб – 176 ва 108, келиб – 224 ва 57, айтди – 158 ва 56, бўлса – 249 ва 77, бўлади – 243 ва 76) ва атоқли отлар («Қоражон» – 289, Алломиш – 264, Равшанбек – 104, Ҳасан – 211, Зулҳумор – 83) иккинчи ва учинчи ўринларни ишғол қилиши аниқланган.

Дostonлар матнида бир марта қўлланган сўзлар частотаси, юқорида С.Ризаев ва бошқалар томонидан айтилган фикрни тасдиқлайди. Бу дostonлар матнида ҳам бир марталик сўзлар юқори кўрсаткични ташкил этди. Масалан, «Алпомиш»да – 7476 ва 53,3%, «Равшан»да – 4303 ва 60,9%. Шунингдек, 1 дан 10 гача бўлган сўзлар – 5262 (37,5%) ва 2388 (33,8%); 10 дан 90 гача – 1179 (8,4%) ва 319 (4,5%); 90 дан 1000 гача – 112 (0,79%) ва 14 (0,19) ни ташкил этиши маълум бўлган. Бир мартадан қўлланган сўзларнинг асосий қисмини от ва феъллар ташкил этган.

Б.Йўлдошев, Д.Уринбоеванинг «Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати»ни [18] ўзбек тилшунослигида яратилган фразеологик луғатнинг дастлабки тажрибадаги илк намунаси дейиш мумкин. Луғатни яратишда муаллифлар Фозил шоирнинг «Алпомиш», «Рустам» ва Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Равшан дostonлари матнини (жами: 28499 та сўзшаклни) асос қилиб олган. Хар бир дostonнинг умумий матн ҳажми хилма-хил: «Алпомиш»да – 14029, яъни 49,2% ни; «Равшан» дostonи – 7059, яъни 24,7% ни; «Рустам» дostonи – 7411 сўзшакли 26,2 % ни ташкил этди. Матнларни қайта текшириш жараёнида муаллифлар мазкур матнларда жами 1041 та фразеологик бирликлар қўлланилганлигини, улар халқ дostonлари матнида 1641 марта қайтарилганлигини аниқлаганлар. Муаллифлардан бири [19] ахборот беришича, «Алпомиш» дostonида қайталаниш частотаси 2007 сўзшаклида бўлиб, умумий танлама ҳажмининг 14% ни, «Равшан» дostonида 534 сўзшакли умумий танлама ҳажмининг 7,5% ни, «Рустам» дostonида 647 сўз шакли умумий танлама ҳажмининг 8,7% ни ташкил этди.

Луғат муаллифларининг ютуғи шундаки, танланган дostonлардаги фразеологик бирликларнинг натижаларини Ш.Раҳматуллаевнинг луғати [20] билан солиштириди, фақат учта дoston матнида қўлланилган 189 та иборанинг таъкидланган луғатда учрамаганлигини аниқлайди. Тузилишига кўра икки қисмдан иборат бўлган бу луғатнинг дастлабки қисмида ўзбек халқ дostonлари матнида фразеологизмларнинг қўлланиш частотаси қиссий йўналишда алифбо тартибида берилган бўлса, кейинги қисмида дostonлар матнида қўлланилган фразеологизмларнинг қисқача изоҳли луғати ўрин олган. Табиийки, фразеологик бирликларнинг лингвостатистик аспектда тадқиқ этилиши фольклор тили билан боғлиқ бўлган барча назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Н.Ҳаджимусаевнинг луғати [21] Ислом шоир Назар ўғли қуйлаган «Орзигул» дostonи матни асосида яратилган бўлиб, у тўрт қисмдан – сўзлик, алфавитли, частотали ва терс луғатлардан иборат. Луғатларни яратиш жараёнида муаллиф «Орзигул»да Ислом шоир 6679 та сўзшаклдан фойдаланганлигини ва улар жами 22660 марта қўлланилганлигини аниқлаган. Мазкур луғатда биратўла сўзлар частотасининг ва терс ҳолатининг берилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Ундан халқ бахшиши услуби учун характерли бўлган сўзларни аниқлаш мумкин бўлади. Сўзлик компьютер ёрдамида тузилганлиги сабабли бу борада муаллиф юқори даражадаги аниқликка эришган, деб айтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан англашиладики, ўзбек ёзувчилик лексикографиясининг тобора тақомиллашиб бораётгани, соҳанинг ўз мутахассислари этишиб чиқаётганлиги сабабли бугун тилшунослигимиз хар қандай даврда яратилган, хар қандай ижодкор қаламига мансуб бўлган матнларнинг электрон нусхаларини яратиш, уларни компьютер хотирасига киритиш ва шу асосда турли характердаги, масалан, алфавитли, частотали, конкорданс, ҳатто терс луғатлар тузиш имкониятига эга бўлиши. Ана шундай луғатларга асосланиб олиб борилган лингвистик тадқиқотларнинг маълум давр тили тўғрисида, алоҳида

олинган шоир ёки ёзувчининг тили ва услуги, тилдан фойдаланишдаги махорати ҳақида аниқ хулосалар беришига бирор шубҳа йўқ. Бундай лексикографик кузатишлар матнлар устида нафақат лингвостатистик, балки қиёсий тадқиқотлар олиб боришда ҳам нихоятда қўл келади. Айни

Адабиётлар

1. Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы / Сб. «Проблемы языка», вып. I. – Т.: 1934. – С. 41-51.
2. Киссен И.А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Т.: «Ўқитувчи», 1972.
3. Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг лугати. – Т.: «Ўқитувчи», 1981, 273-б.
4. Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Т.: ТДШИ, 2006. 11-б.
5. Куронбеков А. Ҳофиз ғазалиёти лексикасининг маъно структурасини тадқиқ этиш йўсинлари: НД – Т.: 1994, 23-б.
6. Махматмуродов Ш. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. – Т.: изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1989. – С. 6.
7. Каримов С., Каршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг лугати. Алфавитли лугат. – Т.: ЎЗМЭ, 2007. 434-б.; Шу муаллифлар. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг лугати. Терс лугат. – Т.: ЎЗМЭ, 2007. – 420 б.; Шу муаллифлар. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг лугати. Терс лугат. – Т.: ЎЗМЭ, 2007. – 420 б.; Шу муаллифлар. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг лугати. Терс лугат. – Т.: ЎЗМЭ, 2007. – 420 б.
8. Арзикулов Х. Тил системаси – нутқ системаси – нутқ // СамДЧТИ профессор-ўқитувчиларининг IV илмий-назарий анжумани материаллари. – Самарқанд, 1998. 4-5-б.
9. Арзикулов Х. Ўзбек лингвистик автоматининг назарий масалалари / Тил ва миллий маданият. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2004. 26-27 ноябрь. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. 49-б.
10. Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Т.: ТДШИ, 2006, 9-10-б.
11. Мухамедов С. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Т.: 1980. – С. 25. ; Мухамедов С., Пиотровский Р.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно-статистического исследования узбекских текстов. – Т.: «Фан», 1986. – С. 164.
12. Мухамедов С., Пиотровский Р.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно-статистического исследования узбекских текстов. – Т.: «Фан», 1986. – С. 164.
13. Мухамедов С. «Ўзбек тилининг алфавитли-частотали лугати (газета текстлари асосида)». – Т.: «Фан», 1982.
14. С.Ризаев, Н.Бўронов.
15. Ризаев С. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). – Т.: «Фан», 1989. – С. 248.
16. Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Т.: ТДШИ, 2006.
17. O'rinboyeva D. O'zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug'ati. – Т.: 2006; O'rinboyeva D., Umurzoqov U. O'zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug'ati. – Т.: 2006.
18. Yo'ldoshev B., O'rinboyeva D. O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug'ati. – Т.: O'zME, 2008. 100-б.
19. Ўринбоева Д. Дostonлар тилида фразеологик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2007, №6. 87-90-б.
20. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. – Т.: «Ўқитувчи», 1978.
21. Хаджимусаева Н. «Орзул» дostonи тилининг лугати (сўзлик, алфавитли лугат, частотали лугат, терс лугат). – Т.: Фан ва технологиялар. 2012. 387-б.

Маколада ўзбек тилшунослигида лингвостатистик тадқиқотларнинг олиб борилиши, дастлабки лингвостатистик ишлар, уларнинг қайси соҳаларга тегишлилиги, ютуқ ва камчиликлари тўғрисидаги масалалар баёни ўрин олган. Шунингдек, унда Фозил Йўлдош қуйлаган 9та дostonда олиб борилаётган тадқиқотлар лингвостатистик усуллар билан уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилаётганлиги таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению первых лингвостатистических работ в узбекском языкознании. На основе анализа показаны успехи и недостатки этих работ. Исследования проводились с помощью статистических методов на основе 9 дастанов Фазил Юлдаша.

SUMMARY

The article is devoted to the study of the first linguostatistical works in Uzbek linguistics. On the basis of the analysis the author showed achievements and shortcomings of these works. The investigation has been done with the help of statistical methods on the material of nine eposes by Fazil Yuldash.

НЕКОТОРЫЕ ФАКТОРЫ И ПРАВИЛА РЕЧЕВОГО ОБЩЕНИЯ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

А.А.Ембергенова - ассистент преподаватель

Г.Ж.Жалгасбаева - ассистент преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: сўзлашиш жараёни, ижтимоий асосий факторлар, сўзлашув услуги, лингвистик факторлар, ахлоқ, нормалари, коммуникация, специфик.

Ключевые слова: процесс общения, основные социальные факторы, речевой этикет, лингвистический фактор, коммуникация, специфичный, парафраза.

Key words: process of communication, main social factors, linguistic factors, communication, specific, periphrasis.

Феномен общения является центральным и одним из важнейших отраслей человеческого знания, таких как наука о языке, психология и социология.

По своей сущности общение является процессом не меж - индивидуальным, но социальным, процессом который возникает в силу общественной потребности и общественной необходимости [1,4].

Основные факторы общения в их наиболее общем виде вычленены Р.О.Якобсоном. Это сообщение и его неотъемлемые свойства; адресат и адресат сообщения, причём последний момент быть для нас действительным, т.е. непосредственно участвующим в ситуации общения [5:319].

Протекание процесса общения регулируется целым рядом правил и закономерностей. Одним из основных правил речевого общения является соблюдение норм речевого этикета. Например:

A student of English was once introduced to the Queen of England. Naturally the student was embarrassed. Not knowing what to say he uttered the phrase he know best.

- I love you!

The Queen was amazed but being democratically disposed, she said

- I love you too!

Now the student felt sure of himself.

- I love you three!

Следует пояснить, что в примере имеет место игра слов: too (тоже) звучит совсем как two (два). Этим надо полагать появление числительного three (три) в последней ремарке.

Во всех же ситуациях когда вы находитесь вне вашей речи поведение должно регулироваться двумя основными правилами: вниманием к окружающим или к собеседнику и экономией вре-

мени (в первую очередь и главным образом – временем собеседника).

Одним из правил общения является комплимент – это фактор речевого общения:

Например: You look garglous! You look fabulous! That's a very nice dress you are wearing, it looks so cool! I love your eyes! Both of them. Your forehead is beautiful! So high. What wonderful fragrance! The perfume you are wearing is exquisite!

Нормы морали и правила речевого этикета повелевают нам быть внимательными к речи собеседника, хотя бы потому, что нельзя всё время говорить только о себе. Общеизвестно, что окружающие нередко пренебрегают этим правилом. Например: I hear they have a ball team and if I can play I will be all right. Just so long as I can pitch a game I will stay alive. If I can play ball that will be enough for me. I never know score thought. That is the way I pitch. The year before last I pitched a no letter for North Edmonston and I did not know about it until I came off the mound and heard everybody yelling (Cheever, "Falcroer", p10).

Правила хорошего тона повелевают изредка спрашивать у адресата его мнение. Существуют правила хорошего тона согласно которым следует замолчать, если вас никто не слушает. Если вас не слушают, следует применить коммуникативный приём. Например: Nobody listens! John listens, he is a real friend, not like some!, Attention please!, Listen, you silly bums!, Hey! Hey! Folks!, Listen, I got news!, I will not continue until everybody is quiet!

Владение речевым этикетом предполагает умение правильно выбирать обращение к человеку, соответствующему типу ситуации общения, взаимному статусу общающихся, отношениями между ними, характеру того воздействия, которое требуется оказать.